

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 242 (5846).

9
ДЕКАБРЬ
ПАЙШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ХҲЖАКЕНТ ГЭСИ ТОК БЕРДИ

ЧОРВОҚ (ЎЗАТГ муҳбири Ю. КРУЖИЛИН). Чорвоқ дарёсидаги Хўжакент ГЭСининг биринчи энергоблоки ишга туширилди. Ток берган генераторнинг қуввати 55 минг киловаттга барадир. Станция комплексини ташкил этувчи яна иккинчи шундай машина ишга туширилиш олдидан турибди.

Бу энергетика маркази — Ўрта Чирчиқ гидроэлектростанциялар тизмасининг иккинчи босқичидир. Унинг тўғони дарё оқимининг юқорисидан жойлашган.

Чорвоқ ГЭСининг турбиналаридан ўтган сувни қабул қилади. Каскаднинг учинчи босқичи — Ҳазилкент ГЭСида ҳам ҳар бири 55 минг киловатт қувватли учта генератор бўлади. Уларнинг ҳаммаси шу беш йилликда ишлай бошлаши керак. «Чорвоқгэсстрой» башқармасининг Чорвоқ ва Хўжакентдаги ишларни битирган коллективлари янги объектни кўчиб ўтмоқда.

ШУДГОРЛАШ ТУГАЛЛАНДИ

ОБЛАСТИМИЗНИНГ марди-майдон пахтакорлари, фидокор сабаботкорлари, азамат чорвадорлари мўл-кўл маҳсулот етиштириб, Ватанини хурсанд этдилар. Улар шу кунларда ўзининг беш йилликнинг биринчи йилида эришилган ютуқларини мустақамлаш, келгуси йил мўл ҳосилига эришиш таянч қилиб, қишлоқнинг сўз ўтказиш учун курашини авж олдириб юбордилар.

Далаларда кузги-қишқи тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун ўзаро мусобақа кучайтирилди. Ер ҳандасанг куз ҳайда нақлига амал қилган пахтакорларимиз ҳар бир гектардан фурсатдан, техникадан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Натيجида облатимиз далаларида шудгорлаш мўддатидан илгари баравақ тугалланди. Ҳозирги кунга қадар 246456 гектардан ортқ майдон чуқур қилиб ҳайдаб қўйилди.

Йилнинг охирида гоёт уюшқонлик билан ўтказиб, мавсум давомидан юқори кўрсаткичларга эришиб келган Оққўрғон, Бўка, Қўйи Чирчиқ, Чиноз районлари шудгорлашнинг, айниқса, баравақ тугалландилар. Мўдда кўп ҳўжалиқлар ҳар йилдагидек бу йил ҳам бу муҳим ишнинг ўз вақтида ва эрта тугаллашига эришдилар.

Пахта териш ва давлатга топширишда пешқадамлик қилган Оққўрғон районидики

«Ленинобод», Ҳамид Олимжон номли, Бўка районидики «Октябрь 40 йиллиги» ва Ҳамза номли, Қўйи Чирчиқ районидики «Ленин» номли, «Победа», Энгельс номли, Юқори Чирчиқ районидики «Ленинский путь» ва «Ўзбекистон», Янгийўл районидики «Ленинизм», «Коммунизм», Ўрта Чирчиқ районидики Охунбобоев номли, «Северный маяк», Чиноз районидики Карл Маркс номли колхозлар бунга мисолдир.

Умуман, шудгорлашнинг авжи кизган кезларида далаларимизда икки мингдан ортқ трактор ишлаб турди. Ҳар бир трактор билан кунинга ўртача 6—7 гектарнинг ҳандолиши таъмин этилди. Шудгорлаш билан бир йўла ўғитлашга ҳам катта аҳамият берилди. Облатимиз бўйича 148 минг гектар ернинг ҳар гектарига ўртача 250—300 килограммдан аммофос солинди. Ҳозиргача тайёрланган 381 минг тонна маҳаллий ўғитдан 274 минг тоннаси 19,5 минг гектар ерга солинди.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларидан руҳланган қишлоқ ҳўжалиғи моҳнакашлари келгуси йилда ҳосилдорликни янада ошириш, янги-янги резервларни ишга туширишга аҳд қилдилар. Ана шу мақсадда кузги-қишқи ишлар қизғин давом эттирилмоқда.



Оққўрғон районидики Навоий номли колхозда шудгорлаш ишлари сифатли ва баравақ тугалланди. Суратда: колхознинг илгор механизаторларидан Исроиқ Ибобов ва Сафар Абдуқолиқов ўртоқлар. Унда шудгорлаш пайти.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ

ПРЕЗИДУМИНИНГ

ФАРМОНИ

ТУЛА ШАҲРИГА «ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши даврида Москва остидаги давлат иқтисодиётини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнаган шаҳарнинг қаҳрамонона мудофаси чоғида Тула ҳўжалиқлари мардилик ва матонат кўрсатганликлари учун Тула шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилиб, «Олтин юлдуз» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1976 йил 7 декабрь.

ТАСС АХБОРОТИ

САККИЗТА ЙЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

1976 йил 7 декабрда Совет Иттифоқидики ер суғий йўлдошлари «Космос-871», «Космос-872», «Космос-873», «Космос-874», «Космос-875», «Космос-876», «Космос-877», «Космос-878» учурилди. Барча саккизта йўлдошнинг битта учуриш ракета орбитига олиб чиқилди.

Йўлдошларда космик фазо тадқиқотларини давом эттиришга мўждалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Барча саккизта йўлдошнинг ҳаракати ҳисоблаб қўйилган параметрлари кўйилган бўлган орбиталарга яқин ўтмоқда:

Айланмиш даври — 115,3 минут;

ер юзидан максимал олислиғи (аногейида) — 1520 километр;

ер юзидан минимал олислиғи (перигейида) — 1450 километр;

орбитанинг оғиши — 74 градус.

Йўлдошларда илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радио системалар, прибор ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик системалар бор.

Йўлдошларда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация ҳисоблаш маркази олинтаган маълумотларини ишлаб чиқмоқда.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАЛАРИ

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ
ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА

Илгари маълум қилганимиздек, 6 декабрь кўни меҳнаткашлар депутатлари XV қаириқ Тошкент облати Советининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда депутатлар облати Совети ижроия комитетининг 1976 йилги ҳисоботини, шунингдек, ўнинчи беш йилликда ва 1977 йилда облати ҳалқ ҳўжалиғини ривожлантириш пилани тўғрисидаги маасалани муҳокама қилдилар. Бу масала юзасидан облати план комиссиясининг раиси А. А. Валиев доклад қилди.

Докладчи ўнинчи беш йилликда облати меҳнаткашлари олдидан турган катта вазифалар ҳақида тўхталар экан, йилги беш йиллик пиланида, КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1976 йил) Пленуми томонидан маъқулланган ва СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган, партия XXV съезидики қабул қилинган катта социал программа ўз ифодасини топан-

лиғини алоҳида таъкидлади. Облати меҳнаткашлари барча совет кишилари каби Коммунистик партия томонидан белгиланган йўлни маъқулламақдалар ва КПСС XXV съезидининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун ягона мақсад билан фидокорона меҳнат қилаётдилар.

Ўнинчи беш йиллик ва 1977 йилда облати ҳалқ ҳўжалиғини ривожлантириш пиланининг лойиҳалари ўтган беш йилликда экономика, фан, маданиятни ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар асосида ҳўжуга қолди. Бу пиланлар Коммунистик партиянинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш ва жамиятимизни коммунизм сари олға бори-

шини қўлда тутувчи бош йўлни ифодалайди.

Олдинги йиллардаги сингарии облатимиз ишлаб чиқариши оғир санаотнинг элентр энергетикаси, қора металлургия ва машинасозлик сингарии тармоқларини жадал ривожлантириш ҳўсобиға юксалиб баради. Иссиқлик элентр станциялари ва ёқилги санаотининг қуввати ўсди. Ангренда 2,4 миллион киловатт-қувватга эга бўлган ГРЭС қурилади. Шу мўносбат билан Ангрен разрезидики қўмир қазиб олиш икки баравақ ортди. Йилгига 10 миллион тоннага етади, сўнгра уч баравақ ортади.

Разалкент зонасида янги ГЭС ишга туширилади, шунингдек Хўжакент ГЭСида 110 минг киловатт қўшим-

ча қувват фойдаланишга топширилади.

Минерал ўғит ишлаб чиқариладиган қорхоналар қуввати асосан Чирчиқ «Электрорхимпро» бирлашмаси, Олмалик химия заводида 2 миллион шартли бирликка қўнади.

Чирчиқ трансформатор заводини реконструкция қилиш тугалланади ва бу ерда қўзғатилит қилинлар ишлаб чиқариладиган цех ҳамда гальваник қопламалар тайёрлайдиган бўлим қуриш қўзда тутилмоқда. Оқангарон цемент комбинатида минерал пахта бўюмлари цехи, Бектемир шаҳрида янқоз бўюмлар ва тўқой — арматуралар ишлаб чиқариладиган заводнинг биринчи набрати қурилади. Ангрен қурилиш материаллари комбинатида рангли цемент ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

7 декабрь кўни Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумда сўзлаган нўтидаги қондалар ва ҳўсалаар асосида Ўзбекистон касаба союз ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг Раиси М. А. Зондов доклад қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари, Ўзбекистон кишилари, қозғачилари ва эишларининг сиёсий активлиги ва меҳнат қўшнчилиғини гоёт кучайтирилганлиги тўғрисида гапирдилар. Ишлаб чиқариш пешқадамлари ва новаторларидан 50 мингдан ортққонини ҳўзирдаёқ йиллик топшириқларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Нотиқлар коллективларнинг олдидан турган янги вазифалар касаба союз ташки-

лотларининг фаолиятини янада ташкиллаштиришни талаб этишини таъкидлаб ўтидилар.

Пленум республика Касаба союзларининг 1977 йилги бюджетини ва давлат социал страховани бюджетини тасдиқлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолиғига кандидат Г. М. Орлов иштирок қилди.

(ЎЗАТГ).

ТОШКЕНТ МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ РЕЖАЛАРИ

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бошладилар. Шаҳар санаоти ўн бир ойлик пилани мўддатидан илгари бажарди. Топширилган ташқари 78 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Йил бошидан бўён юздан ортқ ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Минг-минглаб ишчилар ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини конкрет ишлар билан мустақамлаб, ишлаб чиқариш самарадорлиғи ва иш сифатини оширишга эришмоқдалар. Тошкент шаҳар партия ко-

митетининг 7 декабрда бўлиб ўтган пленумида ана шу ҳақда гапирилди. КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумда сўзлаган нўтида баён этилган қондалар ва ҳўсалаарини бажариш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев доклад қилди. Беш йилликда ва 1977 йилда республика пойтахти ҳалқ ҳўжалиғини ривожлантириш пилани тўғрисидаги, беш йил-

лиқнинг иккинчи йилида шаҳар бюджетни ҳақидаги ва 1975 йилги бюджетнинг иккунчи тўғрисидаги докладлар ҳам тингиланди.

Сўзга чиққан нотиқлар ҳалқ ҳўжалиғига раҳбарлик қилиш соҳасида партия ташкилотларининг фаолиятини ишчанлик билан таҳлил қилдилар. Улар қилинган ишларни янги талаблар билан қиёс қилиб, мавжуд резервларни тетроқ ишга тушириш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва барча сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш зарурлиғини кўрсатиб ўтидилар. (ЎЗАТГ).

СОВЕТ—ЛИВИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Ташқи Ишлар Министри А. А. Громико билан расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Ливия Араб Республикаси революцион қўмондонлик кенгашининг раиси полковник Муамар Каддафи ўртасида музокаралар 7 декабрда Кремлда давом эттирилди.

Дўстлик ва ўзаро ишонч вазиятида ўтган музокаралар давомида СССР билан Ливия

ўртасида ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш йўллари тўғрисида, Яқин Шарқдаги аҳвол ва баъзи ҳалқаро проблемалар ҳўсусида батафсил фикрлашиб олинди.

Яқин Шарқдаги низоли тубдан бартараф этишга, исроил агрессиясининг оқибатларини тамомилла тўғитишга, мустақилликни мустақамлаш ва тараккиёт йўлидан олға бориши учун араб халқларига зарур шарт-шароитларни таъминлашга эришиш зарур эканлиғи таъкидлаб ўтилди.

Халқаро муносабатларни, шу жумладан иқтисодий муносабатларни адолатли, демократик неғизда қайта қуриш учун курашда, замонавийнинг барча прогрессив кўчаларининг мустақам биргаликда ҳаракат қилишлари, араб халқининг

жишлэшуви муҳим аҳамиятга эга эканлиғи қайд қилинди.

Томонлар ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, империализм эски таянчи мустамлақчиликка ҳамда сионизмга қарши кураш манфаатларини назарда тутиб Совет Иттифоқи билан Ливия Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар икки томон иштиракорлиги изҳор қилилар.

Л. И. Брежнев араб халқларининг империализмга, мустамлақчиликка қарши, Исроил агрессиясининг оқибатларини тамомилла тўғитишга, Яқин Шарқда мустақам тинчлик ўрнатиш йўлида олиб барабган адолатли курашини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувват-

лаш борасида Совет Иттифоқининг тутган йўли ўзгармас эканлиғини таъкидлади.

М. Каддафи Ливия халқи Совет Иттифоқининг араб халқларига барабган амалий, ҳар тарафлама ёрдамига юксак баҳо бераётганини, бу ёрдам дўненинг мана шу эг муҳим районда ваэинти соғломлаштириш учун курашда актив омили эканлиғини таъкидлаб ўтди.

Музокаралар давом эттирилади.

Муамар Каддафи шу кўни В. И. Ленин мавзосейини боғлиқ қўрди ва гулчамбар қўйд.

Кремль девори ёнидаги номалум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

ОТАШИН ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

ДНЕПРОДЗЕРЖИНСК, 7 декабрь. (ТАСС). Машҳур Днепринск металлургия олов оташини домна цехлари, прокат станцияри ёнидан меҳнат кўнлидан кейин ўзларининг кинотеатрларига келишди. Бу ерда «Коммунист тўғрисида қисса» номли янги ҳўжажат киносўйилм шаҳар ва район партия активиянинг иштирокида биринчи жамоат кўрсатилди ўтказилди.

Улар Леонид Ильич Брежневнинг ҳаёт йўли тўғрисидаги кинофильм тўғрисидаги кинофильм киносўйилди. Киносўйилди ҳўзир бўлган кишиларнинг кўнчилиғи уни шахсан билдилар. Металлургиянинг фарзанди — Леонид Ильич ахир ҳудуд шу ерда, мана шу шаҳарда Днепринск металлургия заводининг ишчилар коллективидики слесаридан инженерликка бўлган йўлни босиб ўтган.

Л. И. Брежневнинг Запорожье ва Днепродзержинск облати партия ташкилотларининг секретарлиғи даво-

зимда олиб борган актив партиявий ва жамоат фаолияти тасвирланган ўша йиллардаги кино қадрлар алоҳида самимият билан қабул қилинди. У мана шу ерда Улуғ Ватан урушини фронтга қўнаб кетиб, урушдан кейинги оғир йилларда қадрдон заводни қайта тиклаш, облати партия ташкилотига раҳбарлик қилиш учун қайтиб келди.

Кўрсатилган кейин сўзга чиққан кека коммунист, завод ветерани С. С. Смирнов. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони домачи И. А. Чернецкий. Завод ишчиси Н. К. Шапилова, Днепродзержинск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Гордиенко фильмда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг партия ва халқ билан биргаликда ўтган «қизил ҳаёт йўли» қўрсатилганлиғи тўғрисида гапирдилар.

Кинолентани ҳўжажатли фильмлар марказий студияси яратди.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ШАҲАР ТИПИДАГИ КЕЛЕС ПОСЕЛКАСИНИ РАЙОНГА БЎЙСИНУВЧИ ШАҲАРЛАР КАТЕГОРИЯСИГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми қарор қилади:

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент облати Совети ижроия комитетининг Тошкент районининг маъмурий маркази — шаҳар типидики Келес поселкасини районга бўйсинувчи шаҳарлар категориясига киритиш тўғрисидаги илтимосномаси қондирилсин.

Калинин номли қишлоқдаги Қорасарой аҳоли пункти Келес шаҳри составига киритилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Раиси

Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг Секретари

Х. ПУЛАТОВА

1976 йил, 25 ноябрь.

Тошкент шаҳри.



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиғи номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цеҳи коллективни социалистик мусобақада олдинги сафда бормоқда. Мастер Наима Абдурашидова 20 йилдан бери шу цеҳда меҳнат қилиб келяпти. Моҳир мутахассис бўлган бу аёлни кўпчилик ёшлар устоз деяр ҳўрмат қилишади. Суратда: Н. Абдурашидова тикувчилар Гулнора Тўраева, Машкура Гафурова ва Саодат Валиева билан маҳсулот сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

